

## Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари томонидан 2024 йил давомида амалга оширилган ишлари

**2024 йил** давомида техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш, метрология ва стандартлаштириш соҳаларида бир қатор **амалий ишлар амалга оширилди**.

**Биринчидан, 2024 йилда** соҳани ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида **20 га** яқин Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари қабул қилинди.

**Иккинчидан, 2024 йилда** маҳаллий экспортбop маҳсулотларга тааллуқли **1 739 та халқаро ва Европа стандарти қабул қилинди**.

*373 та – тўқимачилик, чарм-пойабзал, 202 та – электротехника, 247 та – қурилиш, 339 та – озиқ-овқат, 348 та – кимё ва 230 та – бошқа соҳалар.*

**Натижада**, миллий стандартларнинг халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражаси **24,7 фоиздан 30,6 фоизга етказилди**.

**Учинчидан, Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мослиги** бўйича **2 668 та (104%)** стандартларнинг қайта кўриб чиқилди.

**Тўртинчидан, Латвия, Корея, Хитой, Словакия** давлатлари, Германиянинг **РТВ**, Кореянинг **КОИСА**, Туркиянинг **ТИКА** ташкилотлари, Халқаро савдо маркази (**ИТС**), Халқаро Электротехника Комиссияси (**IEC**), Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (**ISO**), Ислom мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти (**SMIIC**) билан **ҳамкорлик тўлақонли йўлга қўйилди**.

**Бешинчидан, Глобал сифат инфратузилма индекси** (*Global Quality Infrastructure Index (GQII)*) рейтингдаги юқори **50 та** давлатнинг **11 таси** (*АҚШ, Англия, Япония, Аргентина, Туркия каби*) билан икки томонлама манфаатли ҳамкорликга қаратилган **ҳужжатлар имзоланди**.

**Олтинчидан**, Техник қўмиталар фаолияти қайта кўриб чиқилиб, **18 та** техник қўмита **қайтадан ташкил этилиб** уларнинг сони **32 тага мақбуллаштирилди**. Шунингдек, Халқаро стандартлаштириш ташкилотларининг (**ISO, IEC**) техник қўмиталаридаги аъзолар сони **256 тага (17 та тўлақонли, 239 та кузатувчи) етказилди**.

**Еттинчидан**, Халқаро стандартларни жорий қилинган корхоналар сонини **10 баробарга** ошириб ва улар сонини **5 минг**тага етказиш мақсадида, **2024 йилда** режалаштирилган **1 200 та** маҳаллий корхонадан **1 358 та (113%)** корхонада **сифат менежменти тизимлари жорий этилди**.

**Саккизинчидан**, Ўзбекистон Марказий Осиёда **иккинчи бўлиб** вақт ва частота хизмати мувофиқлаштирилган **универсал вақти UTC**ни шакллантиришда **Халқаро атом вақти (TAI) гуруҳига аъзо бўлди**, натижада **Ўзбекистон ўзининг миллий вақт шкаласига эга бўлди**.

**Тўққизинчидан**, **КООМЕТ** президентлиги сайлови ўтказилиб, унда **илк бор** Ўзбекистон вакили, Ўзбекистон миллий метрология институти директори **КООМЕТ** президенти лавозимига **тасдиқланди**.

**Ўнинчидан**, метрология соҳасини анъанавий **эталон фойдаланувчисидан** – **эталон ишлаб чиқарувчисига** трансформация қилиш мақсадида **4 та техник** йўналишдаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда **7 та** эталон ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини яратиш ишларига **старт берилди**.

**Ўнбиринчидан**, **КООМЕТ**нинг 1.6 “Масса ва унга боғлиқ катталиклар”, 1.10 “Термометрия ва термофизика” ҳамда 1.9 “Ионлаштирувчи нурланишлар ва радиофаоллик” **Техник қўмиталарининг** навбатдаги йиғилишлари **илк бор Ўзбекистонда ўтказилди**.

**Ўниккинчидан**, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш бўйича давлатлараро кенгаши (**МГС**)нинг “Лучший молодой метролог **МГС СНГ 2024**” халқаро пилот танловининг “Лучший молодой метролог **МГС СНГ 2024 в сфере практической метрологии**” номинациясида институтнинг мутахассислари **I** ва **III даражали** ғолиб сифатида **эътироф этилди**.

**Ўнучинчидан**, Корея Технология ва стандартлар агентлиги (**КАТС**) ва Корея стандартлари ассоциацияси (**КСА**) томонидан стандартларни тушунишни осонлаштириш ва уларнинг аҳамиятини кейинги авлодга сингдириш мақсадида **2024 йил 12-14 август кунлари Кореянинг Сеул шаҳрида** бўлиб ўтган **Халқаро стандартлар олимпиадасида илк бор** Ўзбекистон вакиллари иштирок этиб **битта олтин** ва **битта кумуш медаль** олиб қайтди.

**Ўнтўртинчидан**, **Халқаро тарози ва ўлчовлар бюросининг (BIPM)** базасида **илк бор** Республикамизнинг жами **5 та** калибрлаш ва ўлчаш имкониятлари тўғрисидаги ёзувлари (**СМС-қаторлар**) **рўйхатга олинди**.